

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 51 (6. 540)

1988 йил 2 март, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ПАРТИЯ ГРУППАСИДА

26 февраль куни, йигирманчи чақирғи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўртинчи сессияси бошланиши олдидан Тошкент шаҳар Совети партия группасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

228 ва 487-сайлов округларидан коммунист-депутатлар — чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори С. К. Сандкаримов ва «Главташкентстрой» транспорт бошқармаси 2-автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси Н. А. Вдовиннинг сайловчилар истиқомат жойларида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Партия группаси йиғилишида Тошкент марка-

зий телеграфи электромонтёри 231-сайлов округидан депутат Т. Н. Красних, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг бош илмий секретари 385-сайлов округидан депутат Ж. А. Мусоев, 1-автомобиль ремонт заводи қуювчиси 191-сайлов округидан депутат В. К. Костерин сўзга чиқдилар.

Партия группаси йиғилиши тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилиши партия группасининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин олиб борди.

Йигирманчи чақирғи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўртинчи сессияси

Уй-жой муаммоси: ҳар бир оила манфаатини кўзлаб

Илгари хабар қилинганидек, 26 февраль кун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг мажлислар залида йигирманчи чақирғи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Тошкент шаҳар Советининг раиси депутат Ш. Х. Хўжаев оиди.

Сессия кун тартибини тасдиқлади:

1. 40-сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига депутат ваколатини эътироф этиш тўғрисида.

2. Тошкент шаҳрининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юза-

сидан шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида.

3. Тошкент шаҳар Советининг аввалги сессияларида билдирилган истаб, тақлиф ва танқидий мулоҳазаларнинг бажарилиши тўғрисида.

4. Тошкент шаҳар Советининг қурилиш ва архитектура бўйича доимий комиссияси составини қисман ўзгартириш тўғрисида.

5. Ташкилий масалалар.

6. Тошкент шаҳар суди составини қисман ўзгартириш тўғрисида.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети 40-сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати М. Е. Фузулованинг ваколатларини эътироф этди.

Тошкент шаҳар Совети иккинчи йилги йиғилишида раиси Ш. Р. Мирсаидов «Тошкент шаҳрининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

У КПСС XXVII съезди уй-жой муаммоси ҳал этилишини жадаллаштириши совет кишиларининг фаровонлигини оширишга қаратилган биринчи навбатдаги энг муҳим тадбирлардан бири сифатида белгиланганини таъкидлади. Аниқ мақсад — 2000 йилгача ҳар бир оила амалда квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси «Ўзбекистон ССРнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан республика халқ депутатлари Советларининг, министрликлар ва идораларнинг вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда республикада, областларда, Тошкент шаҳрида уй-жой программасини ҳал этиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди, шунингдек, уларни амалга ошириш юзасидан маҳаллий Советларнинг олдинги вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг VI пленумида партия ва совет органлари олдинги республика пойтахтида уй-жой муаммосини ҳал этиш юзасидан мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Пленумда капитал қурилишнинг қайта қуриши, унинг янгиликларини ривожлантириш бўйича ўтказиш, меҳнатни ташкил этилишининг янги усулларини жорий этишга, доир шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди.

Сўнгги йилларда Тошкентда уй-жой қурилиши кенг қўламода олиб борилди. 1971—1985 йиллар мобайнида 12 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. 203 минг оила ёки Тошкент аҳолисининг деярлик ярми уй-жой шартини яхшилади. 1986 йилнинг бошлангида келиб, шаҳар турар жой фондидан умумий майдони 26,6 миллион квадрат метрни ташкил этди, шунинг 19,6 миллион квадрат метрини жамоа уй-жой фонди (жами турар жойларнинг қарийб 74 проценти) ва 7 миллион квадрат метрни граждандарнинг хусусий мулки бўлган уйлар (жами мавжуд турар жой фондидан 26 проценти) ташкил этди. Уртача ҳар бир аҳолига 12,8 квадрат метр ялпи майдон (ёки 8,5 квадрат метр турар жой майдони) тўғри келади. 1970 йилнинг охирида эса уй-жой фонди 11,6 миллион квадрат метрни ташкил этар, ҳар бир аҳолига 8,4 квадрат метр ялпи майдон (5,5 квадрат

метр турар жой майдони) тўғри келарди. 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига турар жой билан таъминланганлик бир ярим баравардан зиёд қўлайди ва ана шу даврда аҳоли сонининг ўсишдан бирмунча илгарилар кетди, бу иккинчи омил ҳисобланади.

Аммо Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг ёрдамида тўла-тўқис фойдаланилганда, хизмат кўрсатиш объектлари билан комплекс равишда уй-жой қуриш планларининг бажарилишини таъминлаш учун барча мавжуд резервлар ва имкониятлар ҳаракатга келтирилганида, баъзи сунъий тормоқловчи омиллар соқит қилинганда бу кўрсаткич нисбатан юқори бўлиши мумкин эди.

Пудрат қурилиш ташкилотлари ўз ишлаб чиқариш техника базаларини ривожлантириши билан, ер ажратиш ва қурилиш майдонларини ўз вақтида бўшатиш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ масалаларнинг сусткашлик билан ҳал этилиши каби тўсиқлар ҳам қурилиш программасининг бажарилишига муайян даражада таъсир этди.

Ушбу низоҳатда муҳим социал муаммони ҳал этишда биз қолдиқчи планлаштириш таърибасидан тўла равишда ҳозир кечмоқда. Қурилиш планлари пудрат ташкилотларининг реал имкониятлари ва моддий ресурслар билан мувофиқлаштирилмаган эди.

Бундай ахвол охири-оқибатда шунга олиб келдики, уй-жой қурилишининг ана шундай юқсак суръатлари ҳам шаҳар ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ялпи даражасидан орта қолди.

Буларнинг ҳаммаси шаҳарликларнинг ҳаққоний татна ва шикоятларига сабаб бўлмоқда. Ана шу ва бошқа камчиликларимиз учун бизни ўн биринчи чақирғи Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессиясида танқид қилинди.

Бугунги кунда Тошкент аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминланганлик даражасидан мамлакатимизнинг илгирки шаҳарлари ўртасида энг охири ўринлардан бирида турибди. Агар ҳозир шаҳардаги қарийб 3,6 миллион квадрат метр уй-жойнинг пудрати кетган, энг олдидан санитария-техника ва экинчи бардошлиқ талабларига жавоб бермайдиган турар жой иморатлари эканлигини, 2,2 миллион квадрат метрдан зиёди хизмат муддатининг 70 проценти ўтаб бўлганлигини, мутахассисларнинг хулосасига қараганда, уларда амалда яшаш мумкин эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, янада кўнгилсиз манзара намоён бўлади.

1986—1990 йиллар мобайнида шаҳарда уй-жой қурилиш ҳажми ўн биринчи, беш йилликка нисбатан бир ярим баравар қўлайди.



ИШЧИ ҚЎЛЛАРИ

Суратда қўлиб турган бу йиғиннинг қўлларига бир раэм солиниб-а. Ишчи қўллари... Бу қўллар металлни қирқади. Халқимиз меҳнаткаш, ҳалол ва темирдек бақувват бундай қўллар ҳақида нақллар битган: «Тоғни урса талқон қилади». Алм келбатли бу йиғит чиндан ҳам металл қирқувчи бўлиб ишлайди. Уни заводда оддийгина «Бизнинг Муллаҳамид» деб аташди.

10-автомобиллар ремонт заводида бўлганимизда дастлаб корхона директори Миржалил Мирсодиқов: «Муллаҳамид Нуриманов — ҳақиқий замондошимиз» деди. Ҳар бир корхонанинг шундай азаматлари бўлади. Муллаҳамид халқ достонларидаги Алломши, Фарҳод сингари афсонавий йиғит эмас. Фарҳод тош йўниб халққа сув йўлини очса, Муллаҳамид металллар қирқиб бутун мамлакатга маҳсулот жўнатапти.

У қирқаётган металллардан ГСБ-818 маркали автоприцеплар тайёрланиб, Калининграддан тортиб Камчаткага фойдаланиш учун юборилган. Урта Осиё ва бошқа регионларни ку асти қўяверинг. Ҳар ойда 135—140 тадан ана шундай прицеплар белеб ойна-Ватанимизнинг турли зарбдор қурилиш майдонларига, ишлаб чиқариш

объектларига йўл олапти. М. Нуриманов — коммунист, бригадир, участка касаба союз ташкилотчиси экани, кўчма ғимиллар олгани ҳақида лом-мом демади.

Бизга буларнинг ҳаммасини одамлар айтишди.

— Қайта қуриш деямиз, аммо бизнинг корхонада бу нарсга сезилмапти, — деб бош чайқади у. Яқинда республика стандартлар бопқармасидан келган вакиллар 10-автомобиллар ремонт заводи айрим техник-назорат бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги, лоқайдликларини оқибатида ностандарт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўл қўйилганини аниқлашди... 1 апрелдан эса корхона тўла ҳўжалик ҳисоби — ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтди.

Корхонанинг энг пешкадам бригада бошлигини нималар сезовата қилаётганини тўшундик. Аммо биз ишчи қўлларига ишонамиз. Бу қўллар ҳеч қачон эл-юрт ишончини ерда қолдирмайдилар.

Х. ИКРОМОВ.
Т. Каримов фотоси.

СУРАТДА: Муллаҳамид Нуриманов.

Ишончли мулоқот

«Алло... истагингизни эшитамиз...»

Одатдагидек, шу ҳафтанинг душанба кун редакция-мизда қизғин иш бошланди. «Ишончли мулоқот» учун ажратилган телефонлар кетма-кет тинмай жингилларди. Азиз ҳамшаҳарларимиз «Ишончли мулоқот»га киришиб, ўтган ҳафта «Тошкент оқшоминда» босилган турли мавзулардаги материалларга ўзарларнинг холисона фикр-мулоҳазаларини телефон орқали изҳор қилдилар. Шунинг айнақсаси қувончли ва диққатга сазовор бўлдики, оқшом-

хонлар газетамизда ёритилган материалларни яхши баҳолаш билан бирга, шаҳримиз ҳаётида учраб турадиган камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам ошкора таразда қўнучаклик билан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Редакция газетхонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишда «Ишончли мулоқот» аҳамиятли омил деб ҳисоблади.

Мана, азиз оқшомхонлар билдирган фикр-мулоҳазаларини ўқинг:

Икром ОТАБЕКОВ, уруш ва меҳнат ветерани:

— Газетанинг ўтган ҳафтадаги «Бир асар тарихи» рубрикасида берилган мақола-миз менга манзур бўлди. Ҳозирги пайтда қўлчиллини ташвишга солаётган Оролнинг сувсизланиб бораётган ҳақиқатидан маҳалла кам ўз вақтида, ўринли бўлган. Менинг бунга мулоҳазам бор. Қўчаларимиз номи ҳақида кўп таппирганимиз. Уларга «Фигуралар», «Ниточка» деган номлар ярашмайди. Буларнинг ўрнига машҳур қаҳрамонларимиз, ёки Афғонистонда интернационал бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган жангчиларимиз номи қўйилса бўлмасмикин? Ахир, булар халқимиз учун ёднома бўлиб қолади-ку.

Мирсодиқ ФАИЗИЕВ, иккинчи группа инвалиди, пенсионер:

— «Оқшом» жуда қизиқarli чиқаяпти. Бу менга маъруф. Айни пайтда эътироз ҳам бор. Такси хизматидаги ҳангомалар, умуман, аҳоли транспортдаги тартибсизликлар ҳақида лом-ним демайсанлар. Савдо масаласини олайлик. Биз яшайдиган жойда бундан олти йил илгари савдо маънасини учун нотолан қилган эди. Аммо ҳали ҳам шу алфозда ётибди. Одамлар узоқ масофага қатнаб, магар уйдиган воқеалар, уларнинг ташвишлари, шу уйдан олиб кетилган болаларнинг тақдирлари, баъзан шафқатсиз ота-оналар ҳақида мақолалар кўпроқ берилиши керак.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, ветеран-педагог:

— Газетанинг ахлоқ мавзусига оид материалларини жуда қизиқиб ўқиймиз. Ай-

ли тиланг ёки ёкиниста дил ноласи» маноласи жуда ёқди. Дугоналарим билан ўқиганимизда кўзимиздан дувдуд ёш оқди. Ахир бу қандай гап? Ҳаётда шундай воқеалар бўлишини ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ойла ҳақида, ёшлар ҳақида кўпроқ ёзинг.

Фатхулло НИҒМАТОВ, Агротехно Давлат комитети бош мутахассиси:

— Мана, баҳор ҳам келди. Кўча озодалани ва ишлардаги бошқа озодалик шаҳардаги эътибор бериш вақти етди. Шуларни кўпроқ ёритиш керак. Мен газетанингиздан одоб-ахлоқ мавзусидаги мақолаларни севиб ўқиб бораман, шундай мақолаларни кўпроқ ёритинглар.

Лазиз ХЎҲАЕВ, ТошПД, 3-курс студенти:

— Орол ҳақидаги проблематик мақолани ўқиб жуда қувондим. Ҳақиқатан бу ишга лоқайд қарамаслик керак. Ахир биз ва авлодлар келажак учун ҳам керак бўлган оби ҳаёт ҳақида гап кетаяпти-ку. Истагим, сувдан тежаб-теграб фойдаланиш ҳақида кўпроқ матери-

Хамшаҳарларимиздан Қ. Зайнуллоев, Ф. Абдуқодиров, А. Дўстмухамедова, Н. Рашидова, М. Абдуллаева, 105-мактаб ўқувчилари Дурдона ва Гаҳвар Хўжаевалар ва бошқа ўғал оқшомхонлар ўз фикр-мулоҳазаларини қўнучаклик билан таппирдилар. Шунинг эътиборига молик бўлдики, газетхонлар «Тошкент оқшомини» қизиқиб билан ўқиларини айтиш билан бирга, унинг янада ўқиниши, мазмунли бўлишини, турли мавзуларда проблематик материаллар берилишини чин дилдан изҳор қилдилар, ютуқ ва камчиликларини холисона билдирдилар. Бу ўз навбатида бизга, редакциямиз коллективига янги куч ва илҳом бериши табиийдир. Оқшомхонларнинг ҳамма истаб ва талаблари, албатта, ҳисобга олинади.

«ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ» да иштирок этган барча ҳамшаҳарларимизга МИННАТДОРЧИЛИК билдирамиз. Улар кўрсатган энг зарур муаммолар тўғрисида материаллар тайёрлаб, чоп этамиз.

«Ишончли мулоқот» навбатчиси Ақмад АҚРОМОВ.

(Давоми 2-бетда).

Уй-жой программаси: ҳар бир оила манфаатини кўзлаб

ДЕПУТАТЛАР ТАКЛИФ ЭТИШАДИ, МАСЛАХАТ БЕРИШАДИ, ТАНҚИД ҚИЛИШАДИ

«СССР 50 йиллиги номи Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетининг секретари В. И. БУДИЛИН нутқидан:

— Бизда йил бошида уй-жой олиш учун навбатда турганлар 1578 киши эди. Турар жой муаммосини ҳал этиш учун корхонада «Уй-жой» деб номланган комплекс программаси ишлаб чиқилди. Унга биноан уй-жойларнинг 25 процентини корхона маблағини ўтказиб қуриш ҳисобига, худди шунангиса хусусий қурилиш ваззасига барпо қилинади, 30 проценти хўжалик йўли билан, қолгани эса кооператив қурилиш усулида тикланади.

Бирок биз қўлдан-қўл муаммоларга дуч келмакдмиз. Бирлашмавишда йилда уй-жой қурилиши учун 16 гектар майдон ажратилган. Аммо бу жойда шахарнинг турли бурчақларида яшовчилар ўзларига уй қуриб олмишган, ва кўйиб қиришган. Шахар партия комитети аралашувидан кейингига Тошкент трактор заводида бор-йўғи 7 гектар ер тегади.

Ер майдонини ажратиб муаммоси, айниқса, таъшишлан-тирмоқда. Бизга хусусий уй-жой қурилишлари учун ана 80 гектар, хўжалик усулида қуришга эса 40 гектар ер керак. Бу масала ечилмаётти. Айтайлик, 1989 йилда қурилажак 5 минг квадрат метр уй-жой учун ер майдонини ҳамон ажратилмаган. Келингувча роса 7—9 ой кераклигини ҳамма билади, демак бу қурилишни келгуси йил планига киритолмаслигини аниқ. Шу тариқа «Уй-жой» программаси ижроси бирлашма аёби билан эмас, бошқа ташкилотлар совуққонлиги туфайли бажарилмай қолши эҳтимол. Тўғри, ер ажратиб қийин эканлигини биламиз, лекин бунинг иложини топиш зарур-ку!

Турли-туман келишмовчиликлар ҳам ишиниг белига тепмоқда. Айтайлик, Қуйибеси район архитектори Л. А. Тошматова иккита уйни тиклаш ниятида жой ҳозирлаган, кейин маълум бўлишича бу ерда ати-

ги битта уйни тиклаш мумкин. 48 квартирани эмас, 32 квартирани уй қуриладиган бўлибди. Шу тариқа вақт бой берилди. «Узгипротехстрой» 10 ишбегарча хўжалик ҳисоби билан тикланадиган қурилиш ҳужжатларини топишириш керак эди, лекин улاردан ҳамон дарак йўқ.

Ана шу муаммолар ва англашилмовчиликлар ишга тўғри қўйлаётти, ташаббусни бўғайпти. Биз кохмондалик, тайёргак-аёқорлик билан ишмоқчи эмасмиз. Коллектив уй-жой қурилишини ўз қўлига олдимиз, унга албатта ёрдамлашмоқ керак.

«Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Дудин нутқидан:

— Уй-жой программаси бутун қурилиш қонёвгери ишларини қайта қуришни тақозо этади. «Главташкентстрой»нинг қўлининг кишилик коллективига деб бу иш меҳнатини интенси-сивлаштини ошириш, бунда биринчи навбатда коллектив қу-ринишга хўжалик ҳисоби-га, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиш йўли билан ҳал этилади. Ўзиниқини ишлаб чиқариш, социал-маданний ва маънавий базамизни ривож-лантириш ҳамда реконструк-циялаш миқёслари кенгаймоқ-да. Қурилиш индустрияси за-водларида ишлаб чиқаришни интенси-вивлашга катта эътибор берилди, уларида янги техно-логиялар ва конструкциялар, меҳнатнинг илгор усуллари жо-рий этиляпти.

Уй-жой муаммосини ҳал этиш асосан бинокорларга боғлиқ. Лекин фақат уларга боғлиқ эмас, албатта, Масалан, сўнгги икки йилда Тошкентда қурилишлар учун тегишли ор-ганлар томонидан қарийб 500 гектар ер ажратиб мўлжал-ланганди. Аслида эса қарийб 300 гектар ажратилди, холос. Бинобарин, 1 миллион квадрат метрдан зиёроқ уй-жой қу-рилиши учун территорияни таёйрлаш ишлари барбод бўлди. Ер ажратиб ке-чик-канлиги оқибатда ўтган йил-нинг охири ва жорий йил бо-

шида бинокорлар, транспорт кеншалари, меҳанизмлар лой-кешишга мажбур бўлишди, аммо Каланин номи ва «Пар-тия XX съезди» қолзолари ерларидан ажратилган қу-рилиш майдонларига яқин бориш имкони топилмади. Бугунги қонда ҳам жорий йилда қад қўтариши зарур бўлган 80 минг квадрат метр уй-жой қу-рилиши учун майдонлар бўша-тиб берилмаган. Келгусида барпо этиладиган 325 минг квадрат метр уй-жой қу-рилишлари учун майдон ажра-тиш масаласи ҳал бўлмаётти. Буюртмачи ишида қусурлар кўп: шу йил қуриладиган уй-жойлар лифтлар, кабелъ ма-хусотлари, ўқсунарлар билан таъминланмаган. Жорий йил-да ишга тушириладиган уйлар-нинг учдан бир қисми лойха-ларига жидайди тузатишлар ки-ритилганики, биз бундан сўнгги дақиқалардагина хабардор бў-либ қолдик.

Хар қандай қурилиш мағис-тралъ, электр ҳамда иссиқлик тармоқлари, телефон кабелла-ри чўқур ётқизилгандан, инже-нерлик-транспорт ўзеллари барпо этилгандан кейингига болашини лозим. Бу ишлар-ни Энергетика ва электрлаш-тириш, Алоқа министрликлари, халқ депутатлари Тошкент ша-хар Совети ижроия комитети-нинг ободонлаштириш Бош бошқармаси бажаришлари ке-рак. Афсуски бу қонда тез-тез бузилмоқда.

Бугунги кунда оддий қу-рилиш ташкилотидан лойихалаш-қурилиш бирлашмаларига ўтиш талаб этиляпти. Улар калити меҳнаткашлар қўлига топи-ришга бўлган ҳамма ишлар-ни бажаришлари зарур. Ора-дан бир ярим йил ўтибдики, биз бу хусусдаги тақлифлар-ини тақдим этганмиз. Лекин бу ҳақда ҳеч қандай тўхтамга келингани йўқ.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи А. А. Умаров нутқидан:

— Қурилишлар учун ер ажратиб ҳар жихатдан суст бор-

моқда. Ер майдонлари ода-тда йил охирида ажратилади, бунинг оқибатда қидирув иш-ларини ўз вақтида ўтказиш им-конини топиладиган, натижада лойиха-смета ҳужжатларини топириш ке-чикиб қолади. Бундай ҳужжатларни таёйрлаш-га икки-уч ой қолиши оқиб-атда уларнинг сифати талабга жавоб бермайдди. Шу муноса-бат билан Ўзбекистон ССР Госплани капитал қурилиш Бош бошқармасига ана шу қидирув ишларини икки йил олдин бажариш учун лимит ажратиб масаласини ҳал эти-шини сўрайман.

Мана йигирма йилдан кў-роқ вақтдан буён шаҳар қу-рилишлари маънавий эскир-ган сериядаги уй-жойлар ҳи-собига олиб боришмоқда. Лойихани оз бўлсада яши-лаш, уй-жойларнинг олд ки-симни пардозлашда сал-палъ ўзгариши ҳақида сўз бо-риш қурувчилар, лойихаловчи-лар ўртасида келишмовчилик туғилади. Комплекс тарзда қўлдан чиқарилган лояқал бир-онта микрорайон йўлиги шаҳарнинг архитектуравий қўрқамчилигига путур етказмоқ-да.

Қурилишларни зичлашти-риш борасида ҳам муаммолар кўп. Бир вақтлар осмонлар уй-жойлар қурилиши авж ол-дирилганда ер майдонлари-нинг бир қисми резервда са-қиниб қоллинган. Шундай жо-йлар берки, улар ералиги 90 метр қавлати, СНИП эса турар жойларни 20 метр қўйиб қу-ришга рухсат этади. Бу йил-да яшовчилар эса ўз мефре-атларини қўзлаб бунга қарши чиқмади. Уй-жой фондини тигизлаштириш туфайли ана 600 минг квадрат метр уй қу-риш мумкин. Аллақачонлар қурилиш учун берилган, бирок маблағ йўқлиги, турли англашилмовчиликлар оқиб-атида қолдиб кетган 500 гектар-дан зиёд майдондан ҳамон фойдаланилмапти. Транспорт кўп жойни эгаллаб турибди, бирок кўп қаватли гаражлар қурилиши йил борилмапти. Юқорда таъкидланган резер-

лар ҳисобига шаҳарнинг ҳо-зағи, чегарасида уй-жой қу-рилиш ҳажмининг 40 процен-тини тиклаш мумкин. Шундай қилинганда деҳқончилик олиб борилаётган ерларга тегмас-лик, қандайдан-қанда маблағни тежаб қолиш мумкин.

176-мактаб директори В. А. Слепачева нутқидан:

— Бизнинг Фрунзе райони-мизда 540 киши уй-жой олиш учун ижрокотда навбатда ту-рибди. 220 оила жон бошига 5 квадрат метрдан кам уй-жой майдонига эга, 70 киши ётоқхоналарда яшайди. Уй-жой олиш учун қарийб ўн йил навбатда турганлар бор. Кор-хоналар ва ташкилотларда рўйхатда турганлар минглаб ҳисобланади.

Бугун мен ўқитувчилар номи-дан гапирмоқчиман. Улардан юздан зиёди уй-жой шаро-итини яхшилаш мақсадида на-вбатга ёзилган. Бир йилда эса бир ёки иккита квартира бе-рилади. Хўш, педагогларга нисбатан талаб оширилган бир шароитда биз қандай йўл то-пишимиз керак?

Аҳолининг қўчини масала-лари ҳам таъшишлантирилади. Ша-хар Совети ижроия комитети район корхоналари меҳнат-кашларига квартираларни ша-ҳарнинг турли районларидан ажратеди. Табиийки, одамлар уйига яқин жойда ишлашни хоҳлайдилар. Акс қолда таж-рибали ишчилар қатновдан қийналиб, кетиб қолишади. Айтайлик, тўқимачилик комби-натига мутахассислар етиш-майдди. Борлари ҳам шаҳарнинг нарги бурчагидан квартира олгач, ишдан бўшайди. Вахо-ланки, Ишановлик тўқимачи-лар ва бошқил массивлардаги уй-жойлар бошқа районларга меҳнат қилувчиларга берил-ди. Қисқаси, уй-жойларни одамлар меҳнат қилаётган корхонага яқин жойдан ажра-тиш зарур деб ҳисоблайман.

Уй-жой муаммоси огирлиги-ни тушунамиз, бирок ҳар бир кишига ажратилгандан майдон-ни 7 квадрат метрдан 5 ква-драт метрга тушириш мушкул

ақволдан чиқшининг йўли бўл-масе керак.

Халқ депутатлари Киров ра-йон Совети ижроия комитети-нинг раиси Р. Ҳ. Ҳикматул-лаев нутқидан:

— Тошкентда уй-жой муаммо-си бошқа йирк шаҳарларда-гига нисбатан ўтириқчи қо-лаётганлигининг сабаби аҳоли сонини ҳам табиий тарзда, ҳам турмуш тақозоси билан ўсиб бораётганлиги, эски уй-жойлар кўплиги билан ҳам изо-хланади.

Район Совети ижроия коми-тети уй-жой муаммосини бир неча йўналишлар бўйлаб ҳал этмоқда. Ўтган йили депутат-лар ва район актив уй-жой фондидан қанчалик унумли фойдаланилаётганлигини тек-шириб чиқиди. Маълум бў-лишича 287 та бўш квартира бор экан. Уларга одамлар қў-чиб киришди. Иккинчи йўл — хўжалик усулида уй-жой қу-риш йўли. «Ўзбексельмаш» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номи тивувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технология» илмий-ишлаб чи-қариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи, «Строймеханизация» трести сингари корхоналар уй-жойларни худди шу усулда қурмоқдалар. Шунин айтиш ке-ракики, хўжалик усули ҳали ҳам кенг қулоч ёйдирилган эмас.

Шу билан бирга, биз қўп-дан-қўп муаммоларга ҳам дуч келаятиэмиз. Эски, қордвор шеклидаги уй-жойларда яшов-чиларнинг аксарияти қўлда ер кирирлаш давридан қол-ган гарантия хатлари сақлан-моқда. Ўзбошимчилик билан уйларга кириш ҳоллари ҳам оз эмас. Бундай ҳатога нафа-қат граждандар, балки уй-жой бошқармалари, ҳўқуқ-тартибот-ни муҳофазат қилувчи ор-ганларнинг ҳодимлари ҳам йўл қўйишмоқда. Биз бундайлар-га қарши кураш олиб бормоқ-дамиз.

Навбатда турганлар, аҳоли яшайдиган ва ишлайдиган жо-йларда уй-жойга муҳтож ки-ши-лар сони жамланадиган бўлса,

нафақат районимиздаги, умум-ман шаҳримиздаги манзара кўз олдимизда яқин гавдала-нади. Аниқ ҳисоб-кинобга эга бўлмасдан туриб ким қанча уй-жой олишини белгилаш мушкул.

Шаҳарда уй-жой қурилиши ҳажмининг инфодаловчи рақам-лар пудратчи қурилиш ташки-лотлари имкониятларини на-зарда тутган ҳолда йиллар, беш йилликлар бўйича белги-лаб чиқилмаган. Бинокорлик ташкилотлари эса ўларнинг моддий-техникавий базалари-ни мустаҳкамлаш билан етар-ли шугулланмаёттирлар.

Шаҳар уй-жой программаси ижроси республика ор-ганларнинг қўллаб-қувватлашини тақозо этади. Масалан, нега одамларга ўларнинг ер у-часкларигада уйлар қуриш-га рухсат берилмас экан? Уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашни ҳам қайта кўриб чиқмоқ лозим. Қўни амакда қўлдан қўп келишмо-вичликлар ва чалкашликлар рўй берапти.

Тошкент қурилишлари билан боғлиқ барча ташкилотлар бу қурилишларни комплекс тар-зда олиб боришдан манфаат-дор бўлмоқлари керак. СССР Энергетика саноати министрли-ги Юнусовд массивида ёш-лар маданити уйи, спорт ком-плекси ва бошқа маданий-ма-ишй объектлар қурилиши учун 23,25 миллион сўм ажратишга эришмоқ учун шаҳар Совети ижроия комитети озунча куч-ларига сарфламади. Бирок Ар-хитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бу қурилишларни қор томонлама авж олдириш ҳораларини қўриш ўрнига иш-га ҳалакат бермоқда, халқ де-путатлари Тошкент шаҳар Со-вети ижроия комитетининг тў-ғридан тўғри топириқларини бажармаётти. Оқибат шунга олиб бориш мумкинлиги, тилаб-тилаб оллинг маблағини ю-қорда номи эслатилган министр-лик мамлакатининг бошқа ре-гионига ўтказиши эҳтимол.

Тошкент мотор заводи со-зловчиси В. В. Еремеев нутқи-дан:

— Уй-жой муаммосини ҳал этиш учун ҳар бир кишига ҳи-соб нормасини 5 квадрат метр-га тушириш эмас, бошқа йў-ларни қидириб топиш зарур деб ҳисоблайман. Жўмладан, уй-жой қурилиши сўратлари аниқлиги, Қуриш билан бирга, комплекс тарзда бундай этиш-ни ҳам унутмаслик лозим. Ай-тайлик, «Глабанинг» 40 йилли-ги массивида биринчи квар-талда жамоат савдо маркази тикланиши кўзда тутилганди. Лойиха тузилди, ўзаро кели-шиб олинди, имзо чекилди, афсуски ахднома бузилди. Шун-дай савол туғилди: масъул раҳбарлар бугунги кунда нима сабабдан лойихадан чекиниш-га йўл қўйдилар, маблағ йўқ-лигини рўқач қилдилар? Мен-га депутат сифатида дорихона очиш ҳақида нақаз берилган-ди. У қоқ марказда ташкил қилинмоғи зарур. Шу сабабли қўни қўлайроқ уйга қўчиришга интилдим. Бир неча ой жўрдам, илтимос-илтимос қилдим, ҳам-малари ваъда беришди, ҳатто шаҳар ижрокотидиғлар ҳам мени ишонтиришди, сайловчи-ларга бу ҳақда маълум ҳам қилдим. Бунин қарангки, ваъда берган ўртоқлар охирида сў-ларининг устидан чиқмадилар.

Қурилишлар комплекс тар-зда олиб борилишини назорат остига олишни, бунин бузган раҳбарларга нисбатан чора қў-рилишини тақлиф қилман.

Шаҳар 5-клиник каспалонаси медицина ҳамшираси И. Н. Рабишканиа нутқидан:

— Уй-жой муаммоси, ме-нини фикримча, бир ақлама ҳал этилмоқда. Биз нукул квадрат метрлар хусусида ғам-хўрлик қилаямизу одамлар бу уй-жойларга қандай яшаш-ларини унутаятиэмиз. Мисол учун «Шерқ юлдузи» массивида ту-радикан одам абразия заводи-да ишлай оладими? Маълумият аввалгига ана шу квартиралар-ни олишга розилик билдирди, бирок ишчиларнинг бутун бир авлоди бўшаш ҳақида ариза

(Давоми 4-бетда).

Иширмачи чақириб халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг туртинчи сессияси қарори

Тошкент шаҳрининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида

Халқ депутатлари шаҳар Совети шунини таъкидлайдики, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари хўжалик раҳбарлари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларига мувофиқ ўз территориялари со-циал-иқтисодий тараққийини жадаллашти-риш юзасидан ишни қўлайтирмоқдалар, эконо-миканича бошқаришни тўбдан қайта қўриш-га фаол қўшилмоқдалар.

2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки хусусий уй-жой билан таъмин-лаш халқ фаворонлигининг сифат жиҳатидан янги босқичга эришининг асосий вазифа-ларидан биридир.

Шаҳар аҳолиси уй-жой шароитларини ях-шилаш ҳақида партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларининг диққат-марказида ту-рибди. 1986 йил бошланишига келиб шаҳар-нинг уй-жой фонди 26,6 миллион квадрат метрга етди, шундан 7 миллион квадрат метр-ни граждандарнинг шахсий мулкидир. Шаҳар-даги ҳар бир кишига ўртача 12,8 квадрат метр умумий саҳн тўғри келмоқда. Уй-жой фондининг 80 процентдан кўпроғи водопровод, канализация, марказлаштирилган тарзда ис-сиқлик ва газ билан таъминланган. 1971—1985 йилларда шаҳарда умумий саҳни 123 миллион квадрат метр бўлган уй-жой ёки 203 минг квартира қурилди, бу аслида яна бир Тошкент қурилди, демакдир.

Шу билан бир қаторда уй-жой қурилиши-нинг сўратлари ҳали ҳам ишлаб чиқариш қулчари тараққийининг умумий даражасидан орқада қолмоқда, бу ана шу энг муҳим соци-ал проблемани ҳал этишдаги ҳамон давом этиб келаётган қолдиқли планлаштириш би-лан, планларнинг пудрат қурилиш ташкилот-лари реал имкониятлари билан ва моддий ресурслар билан, мувофиқ келмаётганлиги би-лан изоҳланади. Уй-жойларни хўжалик ҳисоби усулида қуриш сўст ривожланмоқда, яқна тартибда уй-жой қуриш аслида тўхтаб қолди.

Шаҳардаги 2,2 миллион квадрат метр уй-жойнинг 70 процентдан кўпроғи путурдан кетгани ва дарҳол бўзиб ташланиши лозимли-ги, Тошкент эса ҳар бир киши бошига тўғри келадиган уй-жой бўйича мамлакатдаги йир-рик шаҳарлар ўртасида сўнгги ўринлардан бириин эгаллаб турганлигига қарамай шундай қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси граждандар-нинг адолатли эътирозлари ва шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Сўнгги икки йил мобайнида квартиралар тақсимотида социал адолат принципларига қатъий риоя этиш юзасидан муайян иш қилинди. Аммо ижроия комитетлар фаолияти-да ана шу муҳим уастадага камчиликлар-га батамом барҳам беришга муваффақ бўлин-мади. Квартираларни ҳисобга олиб, тақсим-лаш ва улари аҳолининг кўчиб киришида ҳали зарур тартиб ўрнатилмаган.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советла-ри ижроия комитетлари, ГлавАПУ, капитал қурилиш Бош бошқармаси, «Водоканал» трести, «Таштепложомунэнерго» бирлашма-си, «Таштепложентраль», «Ташгироро» обо-донлаштириш Бош бошқармаси, трамвай-трол-лейбус ишлаб чиқариш бошқармаси инженер-лик ишхотлари ва тармоқлари қурилишининг илдамроқ бажарилишига эришмадилар. Бунинг устига, иссиқлик таъминоти, сув таъми-ноти ва канализация шохобчалари, йўллар, ирригация тармоқлари, трамвай-троллейбус линиялари ва бошқа объектлар қуриш орқа-да қолмоқда.

Уй-жой массивлари нокомплекс қурилиши фактларига батамом барҳам беришга муваф-фақ бўлинмади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзе-кистон ССРнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга оши-риш юзасидан республика халқ депутатлари Советларининг, министрликлари ва идорала-рининг вазифалари тўғрисида»ги қарориди ана шу камчиликлар адолатли тарзда қўри-сати ўтилди. Шаҳар Советининг ушбу сессия-сига тайёргарлик даврида депутатлардан, меҳ-нат коллективларидан ва айрим граждандар-

дан тушган хатлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларида ҳар бир оилани 2000 йилга қа-дар алоҳида квартира ёки шахсий уй-жой би-лан таъминлаш юзасидан белгилаб берилган вазифаларни бажариш мақсадида халқ депу-татлари Тошкент шаҳар Совети қарор қилди:

1. Халқ депутатлари район Советлари иж-роия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари тақ-лифларига қўра ишлаб чиқилган маб-лағ билан таъминлашининг барча ма-балари ва ҳамма қурилиш усуллари эвазига фойдаланишга топириладиган, шаҳар Совети ижроия комитети тақдим этган 2000 йилга қадар уй-жой қурилиш программаси ва топириги маъқуллансин.

Архитектура-планлаштириш Бош бошқар-масига, «ТашНИИПгенплан» институтига, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг план комиссиясига 2010 йилга қадар янги бош планини ишлаб чиқишда эҳтиёжлар ва бошқа оммиларни инобатга олган ҳолда шаҳарнинг районлари бўйича уй-жой қурилиш топири-ғи белгилансин.

2. Комплекс уй-жой программасини бажар-иш халқ депутатлари шаҳар ва район Совет-лари ижроия комитетлари, Бош бошқармала-ри, бошқармалари, шаҳар ижроия комитети бирлашмалари, бўлимлари ва трестларининг иттифоқ қарамогидан ва иттифоқ-республика қарамогидан ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналарнинг, шаҳардаги барча меҳнат кол-лективлари ва граждандарнинг энг муҳим хўжалик-сий вазифаси деб ҳисоблансин.

Шу мақсадларда Тошкент халқ хўжалиги комплексининг барча тармоқларини барқарор жадал ривожлантириш ва шаҳар экономика-сини хўжалик юртишининг янги шарт-шароит-ларга ўтказиш, фан-техника тараққийининг ютуқларини жорий этиш, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириш, аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатларининг муво-фиқлигини ошириш негизида ўн иккинчи ва шундан кейинги беш йилликлар план топи-риқларининг сўзсиз бажарилиши таъминлан-син.

3. Архитектура-планлаштириш Бош бош-қармасига «ТашНИИПгенплан», «Ташгироро», «ТашГИТИ» институтларига, Тошкент шаҳар ижроия комитети план комиссиясига «Главташкентстрой»га 2000 йилга қадар уй-жой қурилиш структурасини деворбо мате-риалларнинг тури ва уй-жойларнинг неча қа-ват бўлишини эътиборга олиб, беш йиллик йилларига мўлжаллаб, яна бир қайта ишлаб чиқиш ва бу структурани белгиланган тартиб-да Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Гострой билан 1988 йилнинг 1 апрелига қа-дар келишиб олишни топириди.

Бунда шаҳар қурилишида Тошкентнинг ар-хитектура қиёфасини яхшилаш учун ишлаб чиқилган лойихаларнинг барча номнақтурса-сини ўзлаштиришни жадаллаштириш, оила-ларнинг демография составига тўғри - келадиган квартиралар турини талаб олиш, шунингдек, уй-жой қурилишини, айниқса, магистраллар ёнасидан уй-жой қурилишининг турли-туман бўлиши назарда тутилсин.

4. Халқ депутатлари шаҳар ва район Со-ветлари ижроия комитетларига, қайси идора-га бўйсуниларидан қатъий назар шаҳарда-ги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар зиммасига уй-жой қурилиш миқёсларини из-чиқлик билан кенгайтиришни ва мавжуд уй-жой фондини реконструкция қилишни таъ-минлаш, бунинг учун меҳнат коллективларини иқтисодий рабағлатлаштириш фондларидаги маб-лағлардан, банк кредитларидан, ўз қўл о-сларидаги ремонт-қурилиш бўлиналларининг қувватларидан кент қўлмада фойдаланиш вазифаси юклансин. Уй-жойларни хўжалик ҳисо-би билан ишни ва хизматчиларнинг бевосита иштироки билан бунёд этиш практикаси ҳар томонлама кенгайтирилсин, корхоналар ва хў-жаликларда маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳар томонла-ма кенгайтирилсин.

5. План комиссияси, молия бошқармаси, Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси, «ТашНИИПгенплан», «Ташгироро», «ТашГИТИ» лойиха институтлари, капитал қурилиш Бош бошқармаси, ободонлаштириш Бош бошқармаси, «Водоканал» трести, трам-вай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, савдо Бош бошқармаси, умумий овқатланиш Бош бошқармаси, халқ маорифи Бош бошқар-маси, соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, ма-даний бошқармаси, кинолаштириш бошқарма-си, халқ депутатлари район Советлари иж-роия комитетлари Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик ва йил-лик планлари лойихаларини ишлаб чиқишга-ганда комплекс программда кўзда тутилаёт-ган фойдаланишга топириладиган уй-жой-ларни, улар билан бир вақтда бунёд этилади-ган хизмат қўрсатиш объектларини, белгилла-б қўйилган қурилиш материаллари конст-рукциялари ва буюмлари ишлаб чиқариш ҳажм-ларига қатъий риоя этишлари керак.

6. Савдо Бош бошқармаси, халқ депу-татлари район Советларининг ижроия комитетла-ри аҳолига қурилиш материаллари сотишни ташкил этишни анча яхшилашлари, Тошкент шаҳрида 1988—1990 йиллар ва 2000 йилга-га бўлган даврда ёғоч-тахта, қурилиш мате-риаллари ва ёнгли билан савдо қилишининг моддий-техника базасини ривожлантириш юза-сидан белгиланган топириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак.

7. Архитектура-планлаштириш Бош бош-қармаси, капитал қурилиш Бош бошқармаси ҳамда буюртмачи бўлган бошқа ташкилотлар белгиланган тартибда қурилиш лозим бў-лган уй-жойлар, жўмладан яқна тартибдаги уй-жойлар қурилиш учун ер-часкларининг ажратиб берилиш масалаларини ўз вақтида ҳал этишлари, бу ишдаги камчиликларга қатъ-ий билан барҳам беришлари керак.

Хўжалик усули билан уй-жой қураётган корхоналар, ташкилотлар, бирлашмаларга ер, участкалар имкони борича уларига яқинроқ жойдан ажратиб берилсин.

1988 йилнинг 1 сентябрга қадар шаҳар бош планни инвентаризация қилинсин, бирин-чи навбатда ер-участкалар ажратиб бериш-нинг, 2000 йилгача бўлган даврда комплекс уй-жой қурилиш ҳажмларини таъминлаш учун зарур бўлган инженерлик тармоқларини ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли графикалари ишлаб чиқилиб, шаҳар Совети ижроия комитетининг тасдиғига тақдим этил-син.

Ёшлар уй-жой комплекси қурилишида, хў-жалик ҳисоби билан уй-жой қуришда иштирок этиш истатини билдирган шаҳардаги корхо-налар ва ташкилот

